



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: adabiyot@olam.uz 2013-yil 8-fevral • №6 (4197)

9 феврал — Алишер НАВОИЙ шаваллуд топган кун

Хар йили мана шу кун улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари таваллуд санасини мамлакатимиз миқёсида нишонлаш қутлуғ анъана бўлиб келаётир. Қадимдан ривоятлар борким, жаҳонгир баҳодирлар дунёга келган пайтда осмону фалакларда қалдироқлар гумбуллаб, чакмоқлар чақар экан. Бизнинг назаримизда эса авлиё шоиримиз туғилган чоғ гўзал шеърятнинг сирли кўнгириги олам бўйлаб нафис жаранглар таратгандир. Дарҳақиқат, Алишер Навоий сиймосида фақатгина эзгулик, инсониятга яхшилик, бетақрор гўзаллик туйғулари мужассам бўлмиш. Неча асрлардан буён туркий ва умуман жаҳон халқлари аллома ижодкорнинг метросидан баҳра олиб, бу улкан хазинани тадқиқ этиб келаётирлар. Кимки қай бир мавзун ахтарса, улар, албатта, Навоий бисотидан топилади. Шунингдек, ушбу бисотда ҳар қандай саволга, ҳар қандай муаммога жавоб ҳам мавжуддир.

НАВОИЙ ДАҲОСИ

Инсон қалби ва жамият ҳаётидаги барча каттаю кичик тебранишлар шоир ижодида ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган. Масалан, Ватан ва эл-юртни қадрлаш мавзусида Навоий маҳоратига етгулик байтлар кейин битилмаган десак, тўғри бўлади. Ватан ҳақида сўз юритиб, шоир "Хамса"нинг "Садди Искандарий" дostonида "Ватан хубби иймон нишонидур", дея олий даражадаги ҳадисона хулосани айтиб ўтган.

Инсоният ҳаммаша қиргин урушлардан безиб келди, тинчлик-осойишталикка доимо муҳтожу зор бўлди. Ушбу мавзулар ҳам Навоий ижодиётида энг асосий ғоялар ҳисобланади.

Шоир шеърятини фаторат топмас бетақрор дунёвий гўзалликнинг юксак тимсоли ва тараннуми бўлиб қолди. Атроф жавонибдаги ҳеч бир унсур шоирнинг назаридан четда қолмайди. Шоир ҳатто Ойнинг тупроғи кулранг эканини ҳам билади, сарки олтинни ўз юзининг заъфаронлигига қиёс қилиб, ажабо, олтинни кўмишади-ку, дейди. Ёрнинг лаби устидаги холини эса болга ёпишган чибинга ўхшатади ва уни лабларим билан олиб ташласаммикан, дейди. Навоий яратган уммонда неча-неча мамлакатлар ўз тарихлари билан, неча-неча халқлар ўз орзую армонлари билан сўзиб юрибдилар. Навоий муттасил равишда инсон эркинлигини, қалб ҳурриятини кўйлаб ўтди. Шукурлар бўлсинким, унинг ўз халқи асрлар ўтиб орзуларига етишиб турибди.

Навоий ижоди инсониятнинг асло тўзим билмас, абадий уйғоқ ҳамроҳидир. Одам болалари ғоят машаққатли йўллар оша мудом комилликка интилиб келадилар. Афсуски, улар бунга тўла эришолган эмас. Ер юзида адолатсизлик, фитнаю низолар, таассуфлар бўлгачки, бугунги замонда ҳам истаганча топилади. Агар дунёга Навоий назари билан боқсангиз бу галваларнинг бари ғоят беъмани эканлигини англаб етасиз. Ер юзида инсон фарзандининг асл миссияси яқсон қилиш, бузиш эмас, балки қуриш, бунёд этиш эканлигини Яратганнинг ўзи тайин этиб қўйган. Навоийнинг наинки ижоди, балки серқирра ҳаётини фаолияти ҳам шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Шоир ҳар қандай шароитда ҳеч иккиланмасдан савоб йўлини танлади. Хусусан, ободлик сўзи шоирнинг тилидан ҳеч қачон тушмаган. Ватан ободлиги кўнгиллар ободлиги билан чамбарчас

боғлиқ эканини бир лаҳза бўлса ҳам унутмаган. Шоир "Ҳайрат ул-аброр" дostonида

Мулки не тоғ, гар эрур обод анинг,
Халқи не ҳайрат, гар эрур шод анинг, —

деб ёзган. Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимизнинг ушбу йилимизни "Обод турмуш йили" деб атаганлари ҳам айни мuddаодир. Йирик мулк эгаси, муҳташам давлат арбоби бўлмиш Мир Алишер ўз тасарруфидоги бисотини ғазнага айлантган эмас. Бу зот муҳтожларга муттасил мурувват кўргазиб, ёш иқтидор эгаларию барча ижод соҳибларининг бошини силади, уларга доимий равишда кўмак бериб турди. Чунончи, кишилик тарихида ўчмас из қолдирган даҳо мусаввир Камоллиддин Бехзод, зукко тарихчи Хондамир ҳам Навоийнинг буюк меҳридан баҳраманд бўлди, унинг кўмаги туфайли камол топди. Ҳазратнинг мурувватларига оид бундай мисолларни яна ва яна келтиравериш мумкин. Навоий ўз шеърятигадики каби айни реал ҳаётда ҳам улуғ меъмор эди. Улуғ мажмуаларнинг тарҳини яратишдан тортиб, барча жараёнларга ўзи бош-қош бўларди.

Навоий бобомиз Хуросон ва Мовароуннахр худудларида қурдирган иморату иншоотлар, шифоноаю кўприклар, сардобаю мадрасаларнинг адоғи йўқ. Хатто ҳозирги кун одамлари нақл қиладиларким, Хуросонда икки қишлоқ бир арик устида ташлашиб қолганда Навоий бу жойда махсус суви айирғич қурдириб, шу тариха сувни уларга баб-баробар бўлиб берган экан. Бугунги кунда ҳам айрим юртларда Навоийдек бош мироб керакка ўхшайди.

Биз ижодкорлардан доимо жамият билан ҳамнафасликни, тарихий жараёнлардан огоҳликни кутамиз. Худди ана шу маъною мазмунлар Навоий ижодида ибратомуз даражада, ғоят баркамол йўсинида намён бўлгандир.

Айтадиларким, парвардигор одам болаларидан марҳаматини дариг тутмай, ҳар-ҳар замон улуғ зотларни йўлаб турар экан. Ҳеч шубҳасиз, Алишер Навоий, наинки бизнинг халқимиз, балки жами инсониятга ато этилган ҳақ ва адолат кўйчидир, эзгулик тимсолидир.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири



Сардор МУДРАЖОНОВ олган сурат.

Суратда: ижодкор ёшлар — Сирожиддин Робидов, Дилрабо Норқулова, Гулистон Азатова, Маҳбуба Ҳамдуллаева ва Мафтуна Норматова.

УЛУҒ ШОИР ШАҲРИ

Бир ёнда Самарқанд, бир ён — Бухоро,
Ўртада битта гул! Миллатим фаҳри —
Юртим, хаританда товланар, қара —
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Шамол Қизилқумни ўйноқлаб кезгай,
Зарафшон мавжлари кўкламни сезгай,
Кармана Отага кўлини чўзгай —
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Работи Маликда қарвон изи бор,
Балки қумларида шоир сўзи бор,
Шаҳримда ҳайкам, яъни ўзи бор,
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Обод манзилдир бу — нек айём шаҳри,
Барча миллат дўстдир — хуш қалом шаҳри,
Меҳмонига пешвоз — Ассалом шаҳри,
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Наслини сўрасанг — аъло, тозадир,
Жасур Фарҳодлари қонлар қозадир,
Ширинлари баёт, ғазал ёзадир,
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Оқтовимдан дoston, ўлан, сас келар,
Нуротамдан нурлар басма-бас келар,
Сармишойдан қадим бир нафас келар,
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Истиқлолим, янғроқ овозим сенсан,
Қўлимда янграган зўр созим, сенсан,
Манглаймда кўклам, ҳам ёзим, сенсан,
Улуғ шоир шаҳри, Навоий шаҳри!

Баҳриддин САДРИДДИНОВ

Алишер Навоий ижодининг Фарб уйғониш даврига таъсир масалаларини илмий изланишларимга боғлаб ўрганганимда унинг асарларидаги инсонга коинотнинг гултожи деб қараш мотивлари бир неча юз йил кейин Европа Тамддунига туртки берган ғояларга ҳамоҳанг эканлиги-

эътироф этган, улуғ шоиримиз ижодиётини фарб кишилари онги ва қалбига чуқурроқ сингдириш йўлида изчил изланаётган инглиз таржимонининг юракдан ёзган эҳтиромга тўла бу мақоласи ҳар биримизда фаҳр-ифтихор туйғуларини уйғотади, деб қўйламан. Мақолада муаллифнинг

КўНГИЛ БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

ни билиб ҳайратга тушган-дир. Номзодлик тадқиқотимда Навоий ғазалларини инглиз тилига таржимаси масалаларини ёритишга ҳаракат қилдим.

Илмий тадқиқотим доирасида Навоий ҳақида интернетда маълумот излаётим, Ўзбекистонга келиб таржимон Носир Камбаров билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг "Лисон-ут-тайр" асарини инглиз тилига ўғирган инглиз таржимони Гарри Дикининг бир мақоласига кўзим тушди. Очиғи, бугун нафақат молиявий, балки маънавий инқирозни ҳам бошдан кечираётган фарб жамиятида Алишер Навоийдек шоирга эҳтиёж катта эканини

улғ шоиримиз ижодидан беҳад таъсирлангани, Навоий асарларини тезроқ ўз юртошларига етказиш истаги яққол сезилиб турибди. Гарри Дикининг "Ўзимнинг шоирим", "Кўнгил боғининг боғбони", дея таърифлайди. Ушбу мақолани кўлимдан келганича ўзбек тилига ўғириб, бобокалонимиз таваллуди санаси арафасида газетхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Гулноза ОДИЛОВА,
филология фанлари номзоди

Давоми учинчи саҳифада.

НАШРИЁТЛАР ТУҲФАСИ

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ижодий мероси уммонга менгзаиди. Бу уммонга шўнғиган ҳар киши бебаҳо дурру жаҳоирлар топиши, шубҳасиз. Шу боис ҳазрат Навоий асарлари ҳар йили қайта-қайта нашр этилаётир.

Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан Алишер Навоийнинг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами кирилл ва лотин имлосида нашр этилганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Шоирнинг барча асарларини жамлаган ушбу кўп жилдлик тўплам ўқувчилар учун лотин алифбосида қайта нашр этилмоқда. Самарқандда чиқадиган "Зарафшон" газетасида Навоий бобомизнинг мазкур ўн жилдлик асарлари эзгу ният билан келинлар сепига кўшилиб, янги оилаларнинг китоб жавонларидан ўрин олаётгани ҳақида хабар ўқидик. Демокчимизки, ҳали қанчадан-қанча ёш оилалар учун нашриётимиз Алишер Навоийнинг тўла асарлар тўпламини ҳада этиши зарур.


Айни чоғда Ғафур Ғуллом номидаги НМИУ томонидан "Алишер Навоий асарлари лугати" ҳам нашр этилмоқда. "Ўзбекистон" НМИУда эса "Тарих ва шахс" туркумида Алишер Навоий-

нинг сермазмун ҳаёти ва серқирра фаолияти тўғрисида "Навоий" номли илмий-оммабоп рисола ҳамда шоирнинг "Ҳикматлар" китоби нашр этилиши арафасида турибди. "Янги аср авлоди" нашриёти эса "Ғазал гулзоридан 100 оташин гул" китобини чоп этмоқда. Китобда Алишер Навоий девонларидан ўрин олган 100 та ғазалнинг шарҳи ва насрий баёни берилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан "Алишер Навоий асарларига ишланган мини-аторалар" ўзбек, инглиз, рус, немис, француз тилларида изохлар билан нашр этилди. Айни кунларда Алишер Навоий "Хамса"даги дostonларининг насрий баёни тайёрланиб, чиройли китоб графикаси асарлари билан безатилган ҳолда нашр этилиши арафасида турибди. Ушбу китобларни адабиётшунос олимлар Анвар Ҳожиахмедов ва Ваҳоб Раҳмон нашрга тайёрлаган.

"Шарқ" НМАК томонидан адабиётсе-варларнинг сеvimли китобига айланган "Ҳикматлар" тўплами юқори матбаа санъатида безатилиб қайта нашр этилмоқда.

Ўз мухбиримиз



Хонанда Дилшод Юнусов ижросидаги "Гуландом" кўшиғи кейинги пайтларда "Ёшлар" телеканали орқали деярли ҳар кун янграяпти. Очиғи, бу кўшиқ оиламиз аъзоларига ёқди. Ижрочининг овози ёқимли, кўшиқнинг мусиқаси ҳам, сайқали ҳам ҳавас қилса арзиғулик.

Аммо бизни кўшиқдаги исм ўйлантириб турибди. Ўзбек тилида Гуландон исми борми? Агар бўлса, у қандай маънони билдиради? Чунки шахс оти ясовчи кўшимчалар орасида — андон кўшимчаси йўқ. Маълум бўлдики, бу исм "Гуландом" тарзида айтилиши керак экан. "Андом" тана, вужуд, бадан, баъзан эса жусса, киёфа, ҳайбат маъноларини билдиради. "Гул" сўзига кўшилиб, шахс отини ясайди. Яъни, "Гулбадан" каби маънога эга сўз ҳосил бўлади.

"Бобурнома"да "шерандом" сўзи

ГУЛАНДОН ЭМАС, ГУЛАНДОМ

учрайди. Бу ботир, гавдали, кучли йигитларга нисбатан ишлатилган сўз. Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" дostonининг 35-бобида Меҳинбону ва Шириннинг Фарҳод учун махсус зиёфат уюштирганларини хикоя қилади. Шунда зиёфатда ўнта қанизакнинг иштирок этишини алоҳида уқтиради:

Дилорому Дилорому Дилосо,
Гуландому Суманбую Сумансо.
Паричехру Паризолу Париваш,
Парипайкар зихи ўн исми дилкаш.

Кўринадики, улуғ шоир тилга олган ўн хил касб-хунар ва билим эгаси бўлган гўзаллардан бирининг исми Гуландом экан. Бундан ташқари, шарқ адабиёти тарихи-

да Баҳром ва Гуландом исмили ёшларнинг севги саргузаштини хикоя қилувчи бир неча қисса ва дostonлар яратилган.

Д.Юнусов куйлаётган кўшиқнинг матнини ким ёзгани бизга қоронғу. Аммо шундай яхши шеър ёзган шоир қиз бола исмини нотўғри ёзиши ажабланарли. Кўшиқда "Гуландон" ёмон ва "дармон" сўзларига қофия қилинган. Аммо уни "Гуландом" деб ёзиш ва айтиш қофия назокатига соя солмайди. Бу ҳодисани шеър илмида оч ёки нотўғри қофия дейдилар. Хуллас, кейинги ижрода хонанда ўз хатосини тўғриласа мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдурахмон ПИРИМКУЛОВ,
филология фанлари номзоди

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 12 феврал, сешанба кунни соат 14.30 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Драматургия кенгашининг "Ёш драматург" семинар-масъулотини бўлиб ўтади. Театр ва кино драматургияси ихлосмандлари ва барча қизиккандлар таклиф этилади.

Шу йилнинг 13 феврал, чоршанба кунни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Онажоним — шеърят" тўғрисидаги навбатдаги масъулотини бўлади. Масъулотлар "Мумтоз шеърят кунлари" доирасида ўтказилади. Тўғрақ аъзоларининг ижод намуналарини www.ijod.uz сайтида ёълон қилинади. Барча қизиккандлар таклиф этилади.

Манзил: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қават. Ёзувчилар уюшмаси.

Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг буюклиги унинг замондошларига ҳам маълум эди. Бу шухрат ҳазратдан кейин ҳам мангу қолди. Зотан, инсоният Навоий булоқларидан ўз маънавий чанқоқлигини қондиришга, шубҳасиз, муттасил эҳтиёж сезаверади.

“Ўзбекистон” телеканали орқали намойиш этилаётган «Навоийни англаш» кўрсатуви ҳам шоир газалиётининг биллурий жаранги, уларда яширинган фалсафий мушоҳада сеҳрини англаш йўлидаги уринишлардан биридир. Аслида ҳам шоир ижодига мурожаат ҳамма даврларда ҳам бўлган. Бироқ кўпроқ мусиқа ихлосмандларининг талаб ва истаклари назарда тутилган ҳолда тайёрланган «Назм ва наво», «Навоий лирикаси», «Навоийхонлик», «Бир газал тарихи» кўрсатувида газалнинг таърифу тасвифи баёнида унинг ашула вариантга ургу берилган. Шоирнинг таваллуд айёмлари арафасида тайёрланган қатор кўрсатувларда асосан Навоийни буюк давлат арбоби, улуг шоир сифатида идрок этишга уриниш кўзга ташланарди.

«Навоийни англаш» кўрсатувида эса шоир ижодини бир бутунликда, яъни зоҳиран ва ботинан фалсафий-маърифий алоқадорликда талқин этиш, буюк «Хамса» достонини ҳам зоҳирий ва ботиний мазмун уйғунлигида тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда. Телевизион кўрсатув катта ижодий гуруҳ меҳнатининг махсули. Бино-

тиши ҳам яхши самара берган. Кўрсатувнинг янги талқини муқаддимасида Навоий музейидаги шоир суратига камера объективини тўғрилаган тасвирчи кадрнинг узлуқсизлигини таъминлаган ҳолда нодир кўлёмалар, шоирнинг суратлари, турли даврларда ишланган миниатюраларни тасвирларга шундай кетма-кетликда



Раззоқ Ҳамроев Навоий ролида.

НАВОИЙ ДАҲОСИ ОЙНАИ ЖАҲОН НИГОҲИДА

барин, ижодкорларнинг ҳар бири Навоий тилсимларини очишга ўзи ҳам дахлдор эканини билганидagina бу иш муваффақиятли амалга ошиши мумкин. Кўрсатув муаллифи шоир Эшқобил Шукур адабиётнинг билимдони, унинг Навоий дунёсини тадқиқ этаётгани бежиз эмас. Муаллиф нигоҳини Навоий бой адабий хазинаси гавҳарларига қаратиб, мутахассисларга ҳар бир кўрсатувга мавзу бўлган асарларнинг таркибий қисми саналмиш ҳижолатлар атрафида баҳслашиш имконини яратди.

Кўрсатувнинг (2008 йил) илк сони «Хамса» асарига кириш ҳақида эди. Шундан сўнг «Хайрат-ул-аббор» достонининг «Сўз ва кўнгли», «Баҳоруддин Нақшбанд», «Иймон шарҳи», «Карам васфи», «Одобийлик ва қаноат», «Вафо», «Ишқ ўти таърифида», «Ростўйлик», «Илм таърифи» каби бир қанча мақолалари асосида тайёрланган кўрсатувлар мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.

Муаллиф аввал мақолот ҳақидаги фалсафий фикрларини жамлайди, сўнг асарнинг энг яхши тўртликларидан ҳавола қилади, уларнинг табиқларини бериш баробарида мутахассисларнинг бу борадаги қарашларига эътиборни қаратади. Жумладан, «Хайрат-ул-аббор» достонининг «Булутдек фойда келтирувчилар» мақолоти бағишланган кўрсатув (2011 йил 6 декабр) Навоийнинг шундай сатрлари билан бошланади: «Булутдек фойда келтирувчи одамлар ҳақидаким, пешона тери билан зебо райхонларнинг бошига гавҳарлар сочадилар, юзларида булут орасидаги чақмоқдек қулги кўриниб туради. Шабнам тўкилган чинордек, қўллари кафтининг тери билан ерга ёнбошлаган хас-хашакларни сугордилар». Мақолотда илгари суртилган асосий гоа — мардлик тимсоли бўлган ҳиммат ва ҳикмат одамлари, қадим Шарқ фалсафасида одамнинг ниёти тўғри бўлиши, яхшилиқ қўлидан келмаган одамнинг ёмонлик қилмаслиги кераклиги ҳақидаги фикрларнинг Навоий талқинида берилишидир. Талқинчи тасниф, бошловчи матнларини тузишдаги лўндалик, мутахассислар эътиборини айнаи масалага қаратиш, телевидение имкониятлари — мусиқа, йирик панлар, сўзининг ёрқин рангларидаги тасвирлар билан уйғун ифодаланиши кўрсатуving гавий-бадий таъсирчанлигини оширишга ҳизмат қилган. Зотан, муаллиф «Яхшилиқ ва эзгулик, саховат, мардлик ва фидойлик гоялари Навоий ижодини тутиб турган устунлардир. Аслида бу гоялар башарият ҳаётини тутиб турувчи устунлардир», деб хулоса чиқаради.

Яхши телебошловчи кўрсатуving юраги, деган гап бор. Улар кўрсатув марказида турадилар, ўзларини қизқирган масалаларга турли йўллар билан жавоб излайдилар. Ана шундай вазифа мазкур кўрсатувда Эрназар Ербеков зиммасига юклатилган. «Маънавият» дастурлари орқали танилган бошловчи овозидаги қатъият, масала моҳиятини идрок этиш салоҳияти қатор тарихий, маърифий дастурларга жон бағишлаганидек, «Навоийни англаш» кўрсатуvingнинг ҳам ижодий нуқталарида биридир.

Кўрсатувни суратга олиш учун танланган маконнинг қадим Шарқнинг улғувор гумбазлари ва миноралари уйғунлигидаги тасвирлари, кейинги жараёнларда студиянинг шундай ҳижозлар билан безатилиши Навоий яшаган давр руҳига кириш имкониятини берган. Тўқ кўк рангларининг етакчилиги ижоднинг машаққатли лаҳзаларига ишорадир. Режиссёр Йўлдош Ҳайдаровнинг сюжет ва композиция тузишда аниқликка интилиши, томошабин нигоҳини чалғитмасдан, масалани моҳиятини очадиган манзараларга эътиборни қара-

мухлаганки, натижада томошабин кўз ўнгига яхлит композиция сюжет пайдо бўлади. Бу ҳам кўрсатувнинг таъсирчанлигини оширган (тасвирчи — Музаффар Юсупов).

«Навоийни англаш» кўрсатуви яна шуниси билан аҳамиятлики, илгари шоир ижодини ўрганишда унинг диний қарашлари ҳамда тасаввуфга оид асарлари ҳақида маълумотлар берилмасди. Кўрсатувда иштирок этган олимлар И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Н.Жабборов, К.Муллаҳўжаева, Д.Юсупова ана шу масалаларга эътибор бераётгани аҳамиятлидир. Жумладан, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул Навоий ижоди замиридаги ислом аҳкоми ва тасавуфий таъдимога алоҳида ургу беради. Олимнинг ушбу масалалар муҳокамасидаги чиқишлари «Ижод мактаби» лойиҳасида ҳам кўзга ташланади. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижодий фаолиятига бағишланган «Ижод мактаби» («Ёшлар» телеканали, 2010, муаллиф Чарос Дадажонов, режиссёр Нодира Бобоева) Навоийнинг инсонпарварлик, одамийлик, саховат ва муҳаббат ҳақидаги фикр-ўйларини тарғиб қилишга қаратилган. Лойиҳа олти қисмдан иборат ранг-баранг кўрсатувлардан ташкил топган. Ўзбек мумтоз ашуларининг моҳир ижрочиси, ноёб овоз соҳибининг ижро санъатини кўрсатиб беришга бағишланган дастурда хонанда шу пайтгача айтиб келаятган мақомлар турли томондан талқин этилади. Хонанда ўз ҳаётида муҳим из қолдирган саналарга тўхталиб, ижоди айнан улуг Навоий мероси, газаллари билан боғлиқлигини жуда кўп ўринларда таъкидлаб ўтади. Бу эса шу йўлга кирган ва кириб келаётган ёшлар учун сабоқ бўлиши, шубҳасиз.

Навоий ижодий меросини тадқиқ этган адабиётшунос, мусиқашунос, мумтоз кўшиқ ижрочилари томонидан кўтарилган мавзу матнига мос тасвирларнинг берилиши кўрсатуving томошаболлигини оширган. Газаллар таҳлилда Д.Дадажоновнинг матнлари ифодали ўқиши, ҳар бир сўз, ҳар бир товуш талаффузидаги маҳорати, режиссёр ва тасвирчининг миниатюраларни суратга олиш ва томошабинга етказишда монтаж имкониятларидан фойдаланишлари шу қадар чиройли уйғунлашганки, нодир наволарни келажак авлодга бутун жозибаси билан етказишда бу кўрсатув ҳақиқий мактабга айланган.

Ушбу жараёнларда ёш ижодкорларнинг фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳол. Шу ўринда навоийшунос тадқиқотчилардан бири Фаррух Олимнинг «Эзгу сўз» туркумидаги кўрсатувларига ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Навоий асарлари таҳлилга бағишланган мазкур кўрсатув ёшлар аудиториясининг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назардан тайёрланган. Жумладан, Навоийнинг «Лисон ут-тайёр» асари ҳақидаги кўрсатувда шоирнинг ҳар бир асарда мўайян гояни илгари суриши, аниқ-тиник мақсад-муаммони ифодалаш, шу орқали амалда одамларга таъсир кўрсатиши Навоий ижодининг бош фазилатларидан бири эканига ишора қилинади.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов нафақат истеъдодли актёр, дубляж устаси, балки телевидениеда ижтимоий-сиёсий, маданий ютуқларимизни, маънавиятимизни тарғиб қилувчи ижтимоий роликлар, кўрсатувлардаги кадр орти матнлари ижроси билан ҳам мухлислар қалбидан жой олган. У қатор чиқишларида «Хамса» асосида ёзилган «Искандар» пиесасида Навоий ролини ижро этган кўшиқ сифатида янгидан туртилгани, шоир асарларини ўқиб, унинг тубига етиб бўлмаглигини, ўзлигини англаш

йўлида Навоийдан ўтадиган шоир йўқлигини таъкидлайди. Актёрнинг Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Анвар Эргашев дирижёрлигида оркестр билан ҳамкорликда ижро этган «Навоий бўстони» асарини бир актёр театри деб аташ мумкин.

Кўрсатув икки қисмдан ташкил топган. «Хайрат-ул-аббор», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» асарларидан танлаб олинган биринчи қисмдан фарқли, иккинчи қисм тўлалигича «Садди Искандарий» асарига бағишланган. Асар парчаларини ўқиб жараёнда актёрнинг матнини идрок қилиш, уни томошабинга етказиш маҳорати гоаят ёрқин намойён бўлганки, унинг оркестр жўрлигидаги ижроси жараёнда томошабин Навоий жараёнда баб-баравар қомилликка интилаётган инсонга, актёрнинг ўз-ўзи билан курашига рўбару бўлади. Аслида монолога асосланган кўрсатувлар телевидениеда мураккаб жанрлардан ҳисобланади. Дунё телевидениесида урф бўлган бу жараён бизнинг телевидениемизда пайдо бўлганини фақат ижодий баҳолаш мумкин.

«Очун», «Буюк аждодларимиз» туркумидан («Ўзбекистон» телеканали) шоир ижодий фаолияти ҳақидаги автобиографик кўрсатув, «Навоий хазинаси» туркумидан («Ёшлар телеканали») шоир газаллари асосида тайёрланган роликлар фақат Навоий таваллуди арафасида берилмай, дастурлардан мунтазам ўрин олаётгани буюк мутафаккирни мунтоза қилиш, ўқиш-ўрганиш жараёни давом этаётганини, маънавиятимизнинг буюк даҳоси ижодини ўрганишда телевидениенинг бу имкониятларидан фойдаланиш яхши самара бериши мумкинлигини далиллайди.

Профессор Нажмиддин Комилов Навоий меросининг бугунги кундаги ўрни, қадр-қиммати ҳақида шундай деб ёзган эди: «Инсоният янги XXI асрда Навоий сингари улуг мутафаккир ижодкорларга янада кўпроқ муҳтож бўлади. Чунки ҳозир инсоннинг ақлий кашфиёти беҳисоб ва ҳайратланарли. Аммо инсоният маънавий камолот жиҳатидан у қадар илгариланган эмас. Аксинча, Навоий маънавияти чўққисидан қарайдиган бўлсак, анчагина орқага қараб кетганимиз маълум бўлади. Шу боис ҳам Навоийга қайтиш, Навоий олами янгидан кашф этишнинг зарурати ва аҳамияти катта».

Шу маънода 2013 йил арафасида халқимизга «Маданият ва маърифат» ҳамда «Дунё бўйлаб» номли иккита янги телеканалининг таъини телевидение ижодкорларининг Навоий даҳосига мурожаат қилиш доирасини кенгайтиргани қувонарли ҳолдир. Навоий ҳақида дунё адабиётида, илмида юзлаб тадқиқотлар ёзилган ва ёзилмоқда. Бинобарин, мутафаккир ижодини хорижда ўрганиш масалалари, Навоий қадимжолари ҳақида мазкур телеканалларда кўрсатувлар тайёрлаш, бу жараёнда телевидениенинг барча жанрлари имкониятларидан фойдаланиш ҳазрат ҳаёти ва ижодига янада теран нигоҳ билан қараш имконини бериши шубҳасиз.

Фикримизча, «Ёшлар» телеканалда бериладиган «Ижод мактаби» кўрсатуving мазмун ва мавзу доирасини кенгайтириш ва мунтазам равишда бериб бориш мақсада мувофиқ. Шунингдек, «Навоий» видеофильми ҳамда режиссёр Наби Ғаниев суратга олган «Алишер Навоий» бадий фильм каби киноасарлар яратиш учун барча имкониятлар етарли.

Маълумки, Алишер Навоий «Хамса»си асосида «Лайли ва Мажнун» видеофильми бундан 22 йил илгари суратга олинган. Бугунги кунда телевидениенинг замонавий техник имкониятларидан фойдаланиб, «Хамса» асарининг бошқа достонларига мурожаат қилиш, фарзандларимиз учун Навоийнинг болалиги ҳақида бир неча қисмли сериал яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Мавжуд ижтимоий-сиёсий вазифалардан келиб чиққан ҳолда олти катталарнинг «Ўз Навоийси», фақат ўзига хос кўрсатувлари бўлса!

Демак, Алишер Навоий даҳосини тушуниш ва теран идрок этиш йўлидаги изла-нишлар давом этаверади.

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари номзоди

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ



Сухбатдошимиз — «Афгон», «Кечиккан ҳаёт», «Хиёнат», «Сенга муҳтожман», «Жигарбандим» каби филмларда яратган турфа образлари орқали мухлисларга яхши таниш бўлган ёш киноактёр Акбархўжа Расулов.

— Акбархўжа, баъзилар кино оламига тасодифан кириб келиб, унда бир умр қолиб кетади. Баъзилар эса кино айнанинг соҳаси эканини исботлагунча анча-мунча йўлни босиб ўтади. Сизнинг бу соҳага кириб келишингиз қандай кечган?

— Тўғриси, санъат оламига кириб келишим қизиқ бўлган. Сўзларни дона-дона талаффуз қилиб, ифодали ўқишимни кузатиб юрган раҳматли Зумрад буюм тўртинчи синфни битирганимда Ўзбекистон радиосига олиб борган эди. Шеър айтиб танловдан ўтганман ва «Келажак тоңи» студиясида қатнаша бошланман. 1998-1999 йилларда режиссёр Замира Бегимқулованинг «Хикматлар хазинаси» номли болаларга аталган кўрсатувида суратга тушганман. 2000 йили «Чархпалак» филмида Хислат хола — актриса Адиба Мирзаева ҳовлисида дастёрлик қилиб юрадиган Одил исмли бола ролида қатнашганман. Раҳматли Адиба опа мени режиссёр Шавкат Жунайдуллаев билан учраштирди. Ана шу учрашув ва режиссёр билан суҳбат кинода илк фаолиятимни бошлашимга туртки бўлди. Шу йилдан филмларни овозлаштириш жараёнига ҳам кириб келдим. «Чархпалак» филмида ўз ролимга овоз берганман. Ушандан буён 12 йил давомида дубляж жараёнида мунтазам қатнашиб келаяман. 2003 йили мактабни битириб Санъат институтига ўқишга кирдим.

Институтни битиргач, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев қўлида бир муддат сабоқ олдим. Баҳодир аканинг тақлифи билан Ёш томошабинлар театрида ишлаб юрдим. Ушанда Малика Исқандарованинг «Ғаройиб арқа» спектаклига Рустам исми бош қаҳрамон ролини ижро этганман. Ана шу театр сахнаси мен учун таъриб мактаби вазифасини ўтади. Умуман, ҳар бир актёрнинг ижодини хорижда ўрганиш масалалари, Навоий қадимжолари ҳақида мазкур телеканалларда кўрсатувлар тайёрлаш, бу жараёнда телевидениенинг барча жанрлари имкониятларидан фойдаланиш ҳазрат ҳаёти ва ижодига янада теран нигоҳ билан қараш имконини бериши шубҳасиз.

2007 йили «Ўзбекфилм» киностудиясига актёр сифатида ишга кирганимдан сўнг суратга олиш жараёнлари вақтимни олиб, театрдан кетишга мажбур бўлдим.

— Актёр рол танлаши керакми ёки режиссёр қайси ролни тақлиф этса, шунини ўйнаб кетавериш керакми?

— Албатта, ўзини ҳурмат қилган актёр рол танлаши керак. Бугун бир рол ижро этдигини, эртага ундан-да мураккаб ролялар ижросига ҳаракат қилиш лозим. Шахсан ўзим рол танлашда, унинг катта-кичиклигига аҳамият бермайман. Айрим актёрлар ёшлигини қандай рол бўлса ҳам кўпроқ ижро этиб қол, дейишади. Эҳтимол, бу фикрда жон бордир. Лекин, ёшлик даврдан умумли фойдаланиш керак, деб ўзини ҳар ёққа уриш, дуч келган ролни ўйнаб кетавериш, менинг назаримда, у қадар тўғри эмас. Ҳар бир актёр бугунги ижроси эртага қайтарилмаслиги учун ҳаракат қилиши лозим. Сизни

ҳадеб бир қолипдаги ролларда кўравериш томошабиннинг гашини келтиради. Бунинг устига ҳозирги дунёқароши кенг томошабинни ҳайратга, ҳаяжонга солиш ҳам осон эмас. Бугун мухлисларга қутилмаган аниқлик, янада яхши ва мураккаб характерли қаҳрамонлар зарур. Мен ўз фаолиятимда масаланинг ана шу томонларига кўпроқ эътибор берман.

— Ёш актёр сифатида бугунги тенгдошларингиз ижоди ҳақида қандай фикрдасиз?

— Аввало, томошабинни экранга «михлаб» қўйишга қодир Акбархўжа РАСУЛОВ:

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

миз болаларга яхшироқ таъсир қилган, деб ўйлайман. Агар яхшиликка ҳизмат қилса, бундай сўзлардан фойдаланган маъқул.

— Ҳозир кўп актёрлар учтўрт филмда суратга тушади, ўзлари режиссёрлик қилишга ўтиб кетишапти. Сизнинг бу борада режангиз қандай? Умуман, бугун қандай ишлар билан бандсиз?

— Ҳар қандай ижодкор бирор ишга қўл уради экан, менимча, бу ҳақда олдиндан ўйлаб, режа тузиб юради. Демак, актёр филм суратга олишга киришган бўлса, олдинки фаолиятимда масаланинг ана шу томонларига кўпроқ эътибор берман.

— Ёш актёр сифатида бугунги тенгдошларингиз ижоди ҳақида қандай фикрдасиз?

— Аввало, томошабинни экранга «михлаб» қўйишга қодир Акбархўжа РАСУЛОВ:

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

«Афгон» филмидан лавҳа.

ЯХШИ НИЯТ

Раҳматлик отамиз биз фарзандларига бирор иш қиладиган ёки бошлайдиган бўлсак, дуо қилиб, яхши ният билан бошланглар, деб айтгандлар. Шунга таъкидлаш керакки, ният яхши бўладими, ёмон бўладими, аввало, қалбда, кўнгида туғилади, кўнгидадан кечеди.

Навоий ҳазрат дейдиларки:

Офият кунжин, ледим, истай бузулдум бир йўли,
Кўнгулм ичра кечмағай эрди бу ният кошки.

Офият соғлиқ ва тинчлик маъноларини беради, ушбу байтда, менинча, тинч, хотиржамлик маъносидан қўлланган. Яъни, офият гўшасини қарор тутай деган эдим ҳамма ишим бузилиб кетди. Мен истаган офият гўшаси хароб бўлди. Кошки, шу ниятни кўнгидадан ўтказмасам эди, дейди шоир. Шоирнинг нияти билан ҳаётнинг ходисалари мувофиқ келмайди. Ҳаётдаги қарама-қаршиликлар, зиддиятлар хоҳиш ва истакларни барбод қилгандан кейин, кошки, кўнгидадан офият истаги туғилмаса эдию изтиробга қолмасам, қабилда фикр юротади шоир.

Бирор ишнинг нияти, аввало, қалбда туғилади ва ишни амалга ошириш учун ниятнинг соғлиғи, тўғрилиги муҳим саналади. "Албатта, амаллар ниятларга кўради", деган ҳадиси шариф ҳам қилаётган ҳар бир ишнинг ниятга боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Демак, тўғри ният қилиш ҳар қандай яхши ишнинг дебочасидир.

Инсоннинг яхши ниятли бўлиши икки нарсага боғлиқ, деб ўйлайман. Биринчиси, қалб самимиятига, иккинчиси, ҳолис бўлишга. Буюк мутасаввиף аллома Имом Ғаззолий бола тарбияси ҳақида сўз юритиб, ёш, мурғак боланинг қалбини мумга ўхшатган. Мумга қандай шакл чизсангиз қабул қилаверади. Қўлимиздаги пластилиндан нима ясашни хоҳласак ясаймиз. Ғаззолий яна бола қалбини унумдор ерга ҳам ўхшатган. Унга яхши уруғ эксанг мўл ҳосил оласан, ёмон уруғ эксанг натижа ҳам шунга яраша бўлади. Болаларимиз некбин, яхши ниятли, ҳолис бўлиши учун уларнинг ёшлиғидан тарбиясига, қалбининг покиза бўлишига эътибор қаратишимиз керак.

Инсон яхши ният билан иморат солади, тўй қилади, бирор касалнинг ҳолидан хабар олади, фарзандига яхши ният билан исм қўяди. Оддий китобхонни оладиган бўлсак, кимдир маънавий эҳтиёжни қондириш учун китоб ўқиса, кимдир ундан хато ахтариш, ёзувчини танқид қилиш учун ўқийди. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, ҳар бир киши ниятга қараб ишнинг мукофотини олади.

Хуллас, инсон қайси рангда кўринмасин, қандай иш қилмасин, унинг нияти муҳим экан. Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, ота-онасини рози қилмаган, фарзандлик бурчини адо этиб, ҳолидан хабар олмаган одамларнинг улар вафотидан кейин дабдабали маросимлар қилганини эшитганмиз, кўрганмиз. Бундай ишлар риёкорликдан, кўзбўямачилиқдан, манманликдан бошқа нарса эмас. Навоий ёзадиларки:

Одам улгон зеби-зоҳирдин демас,
Кимки андин фахр этар, одам эрмас.

Сабоқ

Ҳақиқий одам зоҳирий гўзалликдан, яъни ташқи кўринишлардан гапирмайди. Агар кимки ташқи гўзаллик билан фахрланса, у зоҳирпараст, калтабин одам. Навоий ҳазратлари "Маҳбуб ул-қулуб" асаридида шундай дейди: "...Не элга ёрсен — ўзунгни ул навь туз, нечуки борсен — ўзунгни андоқ кўргуз". Яъни "Халқ билан қандай муносабатинг бўлса, элга қанчалик ёр-дўст бўлсанг ўзингни шундай қилиб чоғла, қандай бўлсанг ўзингни шундай кўрсат", дегани. Бу таъкидлар ҳам инсон қандай қиёфада бўлса ўзини шундай кўрсатиши керак, деганидир. Икки қиёфада, икки хил кўринишда — қалби бошқа, тили бошқа бўлса, у мунофиқ ҳисобланади.

Мунофиқ, иккизоламачи ҳақида халқимизнинг кўпмақоллари бор. Ҳазрат пайгамбаримиз мунофиқнинг укта аломати борлигини таъкидлаганлар: "Қачон гапирса, ёлгон гапирсади, ваъда берса, ваъдасида турмайди, омонатга хиёнат қилади". Мунофиқлар ва хоинлар душмандан ҳам ёмон. Чунки душман

очик ҳамла қилади. Унга қарши кураш тадоригини кўрсан. Ҳамла қилса, сен ҳам ҳужум қиласан. Аммо мунофиқ ва хоинлар орақандан чил беради, кўринмасдан ишини битиради.

Алишер Навоий "Насоим ул-муҳаббат" асаридида ҳажни ният қилган бир шайх ҳикоясини келтиради: "Ҳажни ният қилиб бораётган Исмоил Даббос шундай дейди: "Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўтириб, хирқасини ямаётган эди. Салом қилдим ва ўтирдим. Мендин сўрадики, нима ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг борми? Дедим: бор! Деди: қайт, онанг хизматига бор! Бу сўз менга хуш келмади. Деди: нега тўлганасан? Мен бошланг, оёқ яланг ва озиқ-овқатсиз, ҳамроҳсиз эллик бор ҳаж қилганман. Барчасини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигини берма бери!"

Ҳар бир нарсада яхши ниятли, тўғри бўлиш ишнинг чиройига чирой қўшади, қилинган иш ҳам таърифлашга лойиқ бўлади. Бу борада ҳазрат Навоий айтганларки:

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олмай ишини киши.

Агар кишининг иши тўғрилик бўлса, унинг ишини ким ҳам муносиб таъриф қила олади. Тўғри, рост иш ҳар қандай таърифдан устун, демокчилар ҳазрат Навоий. Ишимизни ҳаммаша риёдан холи, тўғри, сидқ билан бажарсак, ўзимизга ҳам, атрофимиздаги одамларга ҳам фойдамиз тегади.

Саифиддин РАФИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди

БАРМОҚЛАР МАШҚИ жигарни даволайди

Хиндистонда тана ва онгни бир бутун ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган жисмоний машқлар "хатха-йога" деб аталади. Қадим санскрит ёзувида "хатха" куч, қудрат, ҳаракат, мажбурлаш, зарурат каби маъноларни англатган. Непал тоғларидаги ибодатхоналарда "хатха-йога" сирларини фақат ибодатхона бошлиғи ҳамда яна

Соғлиқ — бойлиқ...

бир-икки нафар юқори рутбали ламаларига би-лишади ва уни қаттиқ сир тутишади. Қадимда Хиндистон, Тайланд, Вьетнам ва бошқа Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида сараланган аскарларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан тайёрлашнинг энг юқаск босқичларидан бири сифатида "хатха-йога" усулларидан фойдаланилган.


Бугун одамлар жигарига тушаётган юк 50-70 йил аввалгига қараганда анча оғир. Бунга экологиянинг бузилиши билан бирга, дори-дармонлар ичкиликлар, шунингдек, ёғли таомларни ортиқча истеъмол қилиш ҳам сабаб бўлмоқда. "Хатха-йога"нинг оддий бармоқларда бажариладиган машқи жигарни соғайтиришда қўл келади. Яъни, «бармоқлар йога» си организмга шифобахш муолажа каби таъсир қўсади. Кўрсаткич бармоқлар букилиб ил-гак шаклга келтирилган, уларни боғлаб қилинган ҳаракат ёрдамида хаста аъзони ҳам, бутун организмни ҳам соғайтириш мумкин.



Япониялик шифокор Цуцуми Исиро фикрича, қўлнинг кўрсаткич бармоқлари жигар билан рефлекторлар орқали боғланган. Аънавий йога усуллари асосида яратилган бу машқ ёрдамида жигар фаолияти меъёрга солинади. Машқни истаган вақтда ва ҳар қандай шароитда бажариш мумкин. Дастлаб ўзига хос тест бажарилади ва у жигарингиз қандай аҳолида эканини кўрсатади. Бунинг учун қўл бармоқларининг ҳаммасини букинг ва бир сония қаттиқ қисиб туринг. Сўнг фақат кўрсаткич бармоқларининг илмоқ тарзида букинг. Агар жигар меъёрида фаолият кўрсатаётган бўлса, кўрсаткич бармоқ орқали ҳаракатсиз тез букилади. Агар бошқа бармоқлар билан баргалида букилса ёки етарли даражада букилмаса, бу жигар функциялари бузилганидан далолатдир.

Бажариш усули. Икки қўлдаги кўрсаткич бармоқларни илмоқ тарзида букиб боғланг ва кўкрак кафасингиз олдида бир-бирига қаттиштиринг. Сўнг бурундан нафас олган ҳолда, бармоқларни бир-биридан ажратмай турли томонларга қўйиб тортинг. Нафас чиқараётганда эса бушатириг.

Шифобахш мудралар. Хинд мифологиясида сув тангрисини Варуна Мудра деб аташади. Шу номдаги шифобахш йога машқи оддий соғайтириш усули бўлиб, бир неча аср аввал Хиндистонда пайдо бўлган. Сўнг буддавийликка эътиқод қўйган мамлакатларга тарқатган. Жигар хасталиқлари, қориннинг шишиши ва ичакнинг санчиб оғриши, организмда суюқлик қўпайиши — ўпка ва меъдада кўп миқдорда шилмишиқ хосил бўлганда ҳам шифобахш мудралар, яъни «бармоқлар йога» си қўл келади. Оддий қўл бармоқлари машқидан иборат бу усул кўп куч талаб этмайди, фақат фикрни бир жойга тўплаб олиш зарур, ҳолис.



Бажариш усули. Юзингизни шарқ ёки шимол томон қаратиб, қўлайроқ жойлашиб олинг. Фикрингизни бир жойга тўплаган, нима қилаётганингизга алоҳида аҳамият беринг. Негаки, бу иш энергетика тўқиллари орқали бажарилади. Ўнг қўлнинг жимжилоғини бош бармоқ остигача букинг ва уни бош бармоқ билан қисинг. Чап қўлни эса ўнг қўлнинг қафти остидан ўтказиб, ўнг қўлни ўраб олинг. Бунда чап қўлнинг бош бармоғи ўнг қўлнинг бош бармоғи устида жойлашади. Ўнг қўлнинг қолган уч бармоғи букилмасдан тўғри ҳолида юқорига кўтарилган ҳолатда бўлиши керак. Машқни бажариш чоғида қўлга орқали юк туширмасликка ҳаракат қилинг. Муолажа машқи 5 дақиқадан 15 дақиқача бажарилиб, кунига уч-тўрт марта такрорланади.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2012» танловига марҳамат!



Ҳурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловига қатнашишга таклиф этади.
Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари иждоий уюшмаси, 3-қават, 30, 35-хоналар.

Телефонлар: 244-64-61;
244-64-62; 244-37-87.
www.journalist.uz

Чакмон Шарқ халқларининг қадимий либосларидан бири. Уни тикиш айниқса, Марказий Осиё худудига кенг ривожланган бўлиб, санъат даражасига кўтарилган. Юртимизда чакмонлар астарли, астарсиз, босма, тўқима, қоқма, мирзойи, гулдўзи, синоий, қурама каби турларга бўлинган.

Босма чакмонлар асосан туя ва қўйларнинг майин жунидан тайёрланади. У чеварлардан ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан катта меҳнатни талаб қилади. Биринчи навбатда, чакмон учун алоҳида жун турини танлаб олиш лозим. Сувда ювиб тозаланган жун махсус тароқда таралиб, савоқдан ўтказилади. Тайёр бўлган жун гулсиз тоза шолча устига ёйилиб, турли нақшлар билан безатилади. Шундан сўнг шолчага ўраб, қатламлар бузилиб кетмаслиги учун гулсиз чилвир билан маҳкам боғланади. Кейин уни бўйра ёки тахтақаклар устига ёйиб, сув қуйиб, билаклар ёрдамида уч-тўрт соат давомида пишитилади. Биринчи марта пишитилган, ўрамдан олиб қурилади. Сўнгра қайта



ўраб, олдингига қараганда иссиқроқ сувда пишитилади. Ниҳоят, яхши пишганига ишонч ҳосил қилинганч, бичилади ва тикиш жараёнига ўтилади. Шунингдек, тўқима чакмон

Хунар — зар

тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос. Унинг елка қисмига гулли кашталар ёки геометрик шаклларни тикиш мумкин. Қоқма (жаңда) чакмон ҳам шу усулда,

қилинган. Синоий чакмон ҳукмдорлар, мартабали кишиларга мўлжалланган бўлиб, калта энгли килиб тайёрланган. Бундай чакмонлар Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Бобур Мирзо замонларида ҳам расм бўлган.

ЧАКМОН — ПОЛВОНЛАР ЛИБОСИ

бирок, арконлари қайта-қайта қоқилиб тўқилади. Қоқма чакмон дағал жунлардан, полвон ва чавандозлар учун тайёрланади.

Қадимда эркакларнинг ёши, касбига қараб ҳам махсус чакмонлар тикиш урф бўлган. Масалан, мирзойи чакмон зиёли кишиларга мўлжалланган бўлса, гулдўзи чакмонларни асосан ёшлар кийишган. Бу чакмонларнинг елкаси ва этаклари гулдўр нақшлар билан безатилган. Йигит ва қиз унаштирилиб, нон синдирилгандан кейин қаллиги қуёв учун чакмон тайёрлаган. Бу чакмон Наврўз ва ҳайит намозлари арафасида қуёвга совға

Кувонарли жиҳати, юртимизда чакмон тикиш анъанала-ри бугун ҳам ривожланишда давом этмоқда. Эндиликда ўзбек хунармандлари яратган чакмонларни жаҳонга машҳур музей ва галерейларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, ўтган йили "Style.uz" санъат хафталиги доирасида ташкил этилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмасида миллий услубда яратилган чакмонлар намойиши хорижлик санъатшуносларнинг юқаск баҳосига сазовор бўлди.

Холмўмин ХУДОЙҚУЛОВ

ЭЪЗОЗ

Таниқли мусаввир Темури Саъдуллаевнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва иждоига бағишланган ўнлаб асарлари муҳлислар қалбидан жой олган. Мусаввир йиллар давомида иждоий изланиб, буюк шоирнинг ҳар бир асари асосида туркум манзаралар яратди ва уларга тасвирий ҳаёт бағишлади.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб очилган "Эъзоз" кўргазмасида

Кўргазма запариди

Темури Саъдуллаевнинг олтиншдан ортиқ асари намойиш этилди. Кўргазмада шунингдек, буюк алломаларга бағишланган ҳамда "Наврўз" байрами манзаралари акс этган тасвириларни ҳам кўриш мумкин.

Мусаввирнинг "Обод турмуш йили"га бағишлаб илк бор намойиш этилган "Гўзаллик оламини асрайди" туркум асарлари ҳам санъат илхосмандларини янада хушнуд этди. Мазкур суратларда она ва бола бахтиёрлиги, бугунги обод турмуш тарзимиз, кундалик ҳаётимиз турли ранглар уйғунлигида гавдалантирилган. Муаллиф "Алишер Навоийнинг туши", "Устоз хузурда", "Най ва май", "Саъбаи сайёр" каби асарлари ёрқин бўёқлари ва мусиқий жилolari билан ажралиб туради.

Сарвара ҚОСИМОВА



«ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ»

«Янги нашр» нашриёти шоир, таржимон ва журналист Асрор Мўминнинг «Дунё мўъжизалари» номли публицистик рисоласини чоп этди.

Ҳаёт — мўъжиза, инсон умри мўъжиза яратишга берилган имконият. Инсон ўзи яратган мўъжизалардан ҳайратланиб қолмасдан, уларни кенг тарғиб этиш учун қадимда «Дунёнинг етти мўъжизаси» рўйхатини тузди. Тарихдан маълумки, нафақат табиий офатлар пайтида,

балки бўлиб ўтган урушларда қанчадан-қанча мўъжизавий иншоотлар вайрон қилинди. Лекин инсоният мўъжиза яратишдан тинмади ва интернетда очилган махсус сайтда овоз бериш йўли билан аниқланган «Дунёнинг янги етти мўъжизаси» рўйхатини 2007 йил 7 июл куни кўпчилик ҳукмига ҳавола этди. Албатта, бу рўйхатда Бобурийлар сулоласи Аграда барпо қилган мухташам «Тоғмаҳал» иншоотининг борлиги қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Инсониятни атроф-муҳитни авайлаб-асрашга давъат этиш мақсадида интернетда очилган махсус сайтда овоз бериш йўли билан тўрт йил давомида «Табиатнинг етти мўъжизаси» аниқланди. Бундай номга муносиб кўрилган гўзал масканларнинг номларини 2011 йил 11 ноябр куни билиб олдик.

Шунингдек, ҳаётимизда «мўъжиза» сўзи ёрдамида ясалган «муҳаббат мўъжизаси», «ўзбек мўъжизаси», «парҳез мўъжизаси» каби атамаларга дуч келамиз. Ушбу китоб ана шундай атамаларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган. Умид қиламизки, муаллифнинг ҳаётий кузатишлари, шеърлари, таржимаси йўғрилган бу публицистик рисола дунёда топган мўъжизамиз — Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада кучайтиради. Китобга Ж.Қўнишев муҳаррирлик қилган.

Доимий ҳамроҳ

Бош муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ

Тахриратга келган кўзёзмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахрират нукати назаридан фарқлашиши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи — Азиз ИММОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турки кўчаси, 41 уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.38

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Аҳда — 6789 Бурятия Г — 244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДANIYAT
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЯ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз:
Котибият — 233-49-93 adabiyot@olan.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

ЎЗМА КЎЧАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРИКЛИ

ISSN 2361-614X

